

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 10 декабрдан чиқа бошлаган.

№ 283 (6. 772)

1988 йил 10 декабрь, шанба

Баҳоси 3 тийин

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ягона сиёсий кун

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун мамлакат билан биргаликда КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси материалларини нег муҳокама қилмоқдалар. Сессияда қабул қилинган СССР Конституциясида ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуни — жамиятимиз сиёсий системасини такомиллаштиришда, қайта қуришни янада ривожлантиришда муҳим қадамдир.

9 декабрь кун республикада бўлиб ўтган Ягона сиёсий кунда ана шу мавзу марказий мавзу бўлди. Ягона сиёсий кун

область, шаҳар ва район партия комитетларининг планлари асосида ўтказилди. Бу планлар тузилаётганда конкрет партия ташкилот, меҳнат коллективи олдида ниҳоятда ўткир бўлиб турган масалалар киритилди. Дондачилар жамият олдида турган социалистик муаммоларни биргаликда куч-гайрат сарфлаб ҳал этиш зарурлиги тўғрисида таъкидлар.

Шу муносабат билан миллатлараро муносабатлар масаласи муҳим бўлиб турибди, ушбу муносабатлар бутун мамлакат манфаатларини ҳисобга олиш ва айни вақтда ҳар бир миллат ва эллатга ўз анъаналари, тили ва маданиятини эркин ривожлантиришга имкон

бериши керак. Мамлакатда СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик бошланди. Бу сайлов янги ҳуқуқий негизда ўтказилди, сиёсий системани ислохотини амалга оширишнинг дастлабки амалий қадамларидан бири бўлди. Территориал ва миллий-территориал сайлов округлари тузилди.

Ягона сиёсий кунда меҳнат коллективлари ҳузурида область, шаҳар, район, партия комитетларининг секторлари, бошқа жамоат ташкилотларининг аъзолари, совет, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси

Кеча, 9 декабрда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети мажлислар залида XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш ва КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси талаблари асосида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари борасида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иши тўғрисида ҳисобот доклады қилди.

Ревизия комиссиясининг раиси Ш. Т. Нусратов Тошкент шаҳар партия ташкилотининг ревизия комиссиясининг ҳисобот докладыни қилди.

Мандат комиссиясининг раиси В. Н. Дмитриев мандат комиссиясининг докладыни қилди.

Докладларни муҳокама қилишда Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси Д. М. Қосимова, 2-автомобил партия комитетининг секретари Л. В. Клецов, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. С. Орипов, В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшун командирлари билим юртининг курсанти, интернационалчи-жангчи Г. Р. Шамсутдинов, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Б. В. Ефремов, 2-автомобил ҳайдовчиси Э. А. Азаматов, «СредазНИИгипрогаз» инженер В. М. Тоғай, СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор за-

води» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йўнувчиси Т. И. Ястребова, 20-поликлиника врач Л. И. Емешина, «Алгоритм» заводининг директори Р. Р. Ражабов, 11-«Висотстрой» трестининг бригадир А. И. Голубев, Абдулла Қодирий номидаги маҳалла комитетининг раиси Н. Раҳматуллаев, «Ешгвардия» театрининг актриси Г. М. Жамилова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтининг директори У. Х. Расулов, Тошкент метрополитени слесарлар бригадир Е. А. Сергеев, Фрунзе район Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Х. Низомов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла, «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг заготовкачиси А. С. Давлатова, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчиси М. Т. Зоҳидов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Г. В. Шевелова, 1-шаҳар клиник касалхонасининг бош врач К. Т. Ризаев қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов конференция қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг инспектори В. П. Шапило, КПСС Марказий Комитетининг инструктори С. А. Лукьянов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов иштирок этдилар.

Бутун конференция ўз ишини давом эттирди.



© XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясида.

Т. Каримов ва Р. Шарипов фотоси.

СЕНГА ҲАМДАРДИМИЗ, АРМАНИСТОН!

Арманистон Компартияси Марказий Комитетига
Арманистон ССР Олий Совети Президиумига
Арманистон ССР Министрлар Советига

Ҳурматли ўртоқлар!

Оғир табиий офат — зилзила оқибатида кўпдан-кўп одамлар нобуд бўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан чуқур ҳамдардлик изҳор эта-миз.

Қутурган ер ости кучлари қанчалик қулфат солишини биз ўтмишимиздан биламиз.

Ана шу машаққатли синов кунларида Ўзбекистон меҳнаткашлари зилзиланинг фожиали оқибатларини тугатиш ишида зарур қардошлиқ ерданми беришга тайёр-дилар.

Ер-биродарларидан жудо бўлган оилаларга яна бир қарра самимий ҳамдардлик ва таъзия изҳор этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
ва Ўзбекистон ССР
Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қардош арман халқига зилзила оқибатларини тугатишда амалий ёрдам бериш мақса-дида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госстрой раиси К. Х. Махмадалиев раҳбарлигида ҳукумат комиссияси тузилди.

Комиссияга Арманистон ССРга янги уй-жой ва социал соҳа объекти қуришда қардош ердан бериш, табиий офатдан зарар кўрган районларга дори-дармон, касби қувчилик бўлган мухтасислар ва ишчилар, зарур қурилиш материаллари жўнатиш, шунингдек, Арманистондан келган болаларни республикада қабул қилиб олиш ва жойлашти-риш юзасидан тез орада тақлифлар тайёрлаш ва тақдим этиш топширилди.

Арманистондаги зилзила оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ССР бажарадиган иш ҳамжаридан келишиб олиш мақсадида республика ҳукумат комиссиясининг раиси К. Х. Махмадалиев Ереванга жўнаб кетди.

ҚАРДОШЛАРИМИЗНИ
КУЛФАТДА ҚОЛДИРМАЙМИЗ!

Ўзбекистон меҳнаткашлари Арманистонда фалокетли зилзила тўғрисидаги хабарни ўз бошларига тушган қулфат-дек қабул қилдилар. Зилзила сабабли одамлар қурбон бўлди. Республикада аҳоли-си хотирасидан Тошкент, Газ-ли, Наманган областидаги дахшати ер ости силкиниш-лари ҳали ўчгани йўқ. Бутун мамлакат оғир кунларда ёр-дамга келди. Бутуниттифоқ ҳаёти билан уй-жойлар, касалхоналар қурилади, вай-ронгарчиликлар тикланади. Қардошларимиз бошига қул-

АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
АРМАНИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
АРМАНИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Азиз ўртоқлар!

Биз, Тошкент шаҳар партия конференцияси делегатлари, қардош Арманистон шаҳар ва қишлоқлари бошига тушган зилзиланинг вай-ронгарчилик оқибатлари тўғрисидаги фожи-ли хабардан каттиробамиз.

Жабранганлар ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндош-уруғлари ва таниш-би-лишларига чуқур ҳамдардлик ва таъзия из-ҳор этамиз. Сизнинг қариндош, қайғу-алами-ни, айрилиқ доғини биз, тошкентликлар-га айланиш ақли, сабаби бизнинг шахримиз ер ости офати зарбаларини 1966 йил апрелида ўз бошида сингари.

Биз учун мушкул ана шу йилда кўп миллат-

ли Ватанимизнинг барча республикалари, шу жумладан Арманистон ССРнинг бегариз ин-тернационал қардошларча ёрдам берганлиги-ни биз яхши эслаймиз.

Арманистонлик акалар ва опалар, амин бў-лаверинг, оғир синов кунлари биз сиз билан биргаликда, бутун совет халқи билан бирга, қўли-қўлга бериб, қутурган офат етказган чуқур жароҳатларини тезорак даволаш учун ил-мик керак бўлса, ҳаммасини амалга ошира-миз.

СССР — ҳаммамизнинг уйимиз ва биз қул-фатда сизни ёлғиз қолдирмаймиз.

XXVI ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ.

СИЗНИ КУЛФАТДА ҚОЛДИРМАЙМИЗ!

9 декабрь кун эрта тонг-данок Ўзбекистон пойтахти-даги Ҳамза район комсомол комитетига турли корхоналар ва ташкилотлардан ёшлар кела бошлади — улар Арма-нистондаги қаттиқ зилзила-дан жабр кўрган кишилар учун болаларнинг қишлоқ кийимлари, ўйинчоқлар, ни-тоблар, дарсиллар, дафтар-лар олиб келишди. Совғалар кўп бўлгани учун алоҳида хона ажратилган тўғри кел-ди.

Районда газ пайвандчи-лар, дурадгорлар, қурувчи-лардан иборат 50 кишлоқ

комсомол ёшлар отряди тузи-ла бошланди. Яқинда кунги комсомоллар Ереванга жў-наб кетадилар.

Ўзбекистон пойтахти меҳ-наткашлари арман халқи бо-шига тушган қулфатдан ха-бар топиб, юрак-бағрлари эзилди кетди. Бир қанча кор-хоналар ва ташкилотларда шашинч митинг ҳамда йи-ғилишлар бўлди. Бу йиғин-ларнинг қатнашчилари жабр кўрган одамларга маънавий ва моддий мадад бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишларини қилишга тайёр эканликларини айтидилар. Тошкент ёр-мой комбинатида

қишлоқ кийимлар йиғишга киришилди. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чи-қариш бирлашмаси, иккинчи нон маҳсулотлари комбина-ти, «Ўзбектхим» ишлаб чиқа-риш фабрикаси, «Средаз-тепломонтаж» трести, нон маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш бирлашмаси коллектив-лари 10 декабрь кунги шаба-ли уюштириб, ишлаб топил-ган пулни зилзиладан азит-чеккан кишиларга ёрдам фондига ўтказиш тапашбуси билан чиқдилар.

таблар ва касалхоналар қу-риш учун йиғма темир-бетон деталларини тўла комплек-тин Арманистонга етказиб беришларини айтиди. Бундай деталларни орттиш бутун бошланди.

Бош директор билан суҳ-батимиз бирданга узилди қолди, чунки телефон тру-баксини аёллар, бирлашма ап-парати ходимлари олишган эди. «Арманистондан етим қолган болалар ва бошпанасиз қолган оилалар Тошкентга келишганини эшитдик, — деди Зефир Рашитова Борисова. — Бизнинг оила-миз уч кишини қабул қи-лишга тайёр...»

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИАТИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИ

Ўзбекистон ССР Қизил Яри-мой жамиятининг аъзолари Арманистон ва Озарбайжон-да содир бўлаётган фожи-ли воқеалар ҳақидаги хабар-ларни эшитиб ташвишга туш-моқдалар. Дахшати табиий офат — кучли зилзила бўлди. Зилзила бўлганли-ги оқибатида аҳоли яна ҳам мураккаблашди. Одам-лар қурбон бўлди, вайрона-гарчиликлар бор, кишилар бошпанасиз қолдилар.

Шу кунларда қариялар, хотин-қизлар, болалар бошига кат-та қулфат тушди. Биз Тош-кент зилзиса оқибатларини тугатишда Ўзбекистон пой-тахтига Озарбайжон ва Ар-манистон халқлари берган са-мимий ёрдамни ҳамisha ёд-да тутамиз.

Раҳм-шафқат ва инсонпар-варлик принципларига садо-қатли бўлган Ўзбекистон ССР Қизил Яримой жамияти-нинг марказий комитети Ар-манистон ва Озарбайжон аҳо-лисига моддий ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Биз, совет кишилари, ҳар

бир халқнинг бошига тушган қулфатни ўз қулфатимиз, деб биламиз. Қиёқчи сизкидан Арманистон ва Озарбайжон халқларига ёрдам беришни истаса, пулни Тошкент ша-ҳар Киров уй-жой-социал банкдаги 000700378 счёти (код 734321)га ўтказиш мум-кин.

Биз, республика меҳнат-кашларига, Ўзбекистон ССР Қизил Яримой жамиятининг активларига мурожаат қилиб, жамоатчиликнинг бутун кучи-ни зилзиладан жабр кўрган кишиларга зарур ёрдам бе-ришга қаратишга даъват эта-миз.

Бошига қулфат тушган ки-шиларга раҳм-шафқат қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Ўзбекистон ССР Қизил Яри-мой жамиятининг марказий комитети жабр кўрганларга дастлабки 15 минг сўм пу-лни жўнатиш. Шундан 12 минг сўми Арманистонга юборил-ди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИЗИЛ
ЯРИМОЙ ЖАМИАТИНИНГ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

АРМАНИСТОНДА
ЗИЛЗИЛАДАН
ЖАБРАНГАНЛАРГА ЁРДАМ
КЎРСАТИШ УЧУН
МАБЛАҒЛАР ЎТКАЗИШ
МАХСУС СЧЕТЛАРИ
ОЧИЛГАН ҲАҚИДА

СССР уй-жой-социал бан-ки Арманистон ССРнинг бир қанча районларида зилзила натижасида жабранганларга ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг оқибатларини тугатиш мақ-

садида 700412 махсус сче-тин оиди. Бу счегга аҳоли, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қўнгилли равишда пул ўтказадилар. Маблағлар СССР банкларининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Совет ва чет эл граждани-лари ҳамда ташкилотлар чет эл валютасидаги хайр-эхсон-ларини СССР ташқи иттисо-дий банкнинг 700412 счегга юборишлари мумкин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилади-лар:

Арманистонда зилзиланинг фожиали оқибатлари — кўп кишиларнинг ҳалок бўлганлиги муносабати билан 1988 йил 10 декабрь мамлакатда мотам кун деб эълон қилинсин.

Мамлакатнинг бутун территориясига давлат байроқ-лари оғиб қўйилсин, кўнгил очиш тадбирлари бекор қи-линсин. Радио ва телевидение программаларига тегишли ўзгаришлар киритилсин.

Фойдаланишга топширилди

2-ўйсовлик комбинатида қар-ашли 4-қурилиш бошқарма-си коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топириқларини узлуксиз бажариб келмоқда.

Бошқарма бинокорлари иш олиб бораётган объект-лар графикадаги муддатига фойдаланишга топширишга муваффақ бўлишди. Бугун С. Раҳимов районининг Да-дасов кўчасида яна бир 45 квартиралар 9 қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

Вино лойиҳасини «Таш-гипрогор» институтини ходим-лари тайёрлаган бўлиб, қат-тор қулайликларга эга. Таш-қор пардози заводи тайёрлан-ган гулли темир-бетон девор-лардан иборат бўлиб, ўзига хос гўзаллиги билан Дадабо-ев кўчасига кўрқ бериб ту-рибди.

СОВЕТ ИТТИФОКИ КОММУ-НИСТИК ПАРТИЯСИДАН СССР
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙ-ЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙ-ЛОВ КОМИССИЯСИДА

Совет Иттифоқи Комму-нистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссия-сининг бўлиб ўтган мажлиси-да В. А. Коптгов комиссия раиси, Т. Г. Иванова — ра-ис ўринбосари, П. П. Лаптев — комиссия секретари қи-либ сайланди. Сайлов ко-миссияси қуйидаги адресда жойлашган: Москва, Влади-миров проезди, 2-уй, 16 подъезд.

ТОШКЕНТ ШАҲАР
СОВЕТИ ИЖРОЯ
КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Урни бўшаб қолган депутатлар ўрнига йиғирмачини қишлоқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига қўшимча сайловлар ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон ССРнинг «Ўз-бекистон ССР халқ депутат-лари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисидаги Ко-нунининг 54-моддасига би-нови Тошкент шаҳар Со-вети ижроия комитети қарор қилади:

Урни бўшаб қолган де-путатлар ўрнига 17 ва 322-сайлов округлари бўйича шаҳар Совети депутатлиги-га сайловлар 1989 йил 8 январь кунига белгилан-син.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. МИРСАЙДОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг сек-ретари В. МАНАСТИРЕТСКАЯ.

ШТАБ ТУЗИЛДИ

Арманистон ССРдаги зилзила оқибатларини тугатишда ёрдам беришга доир барча масалаларни оператив ҳал этиш учун респу-блика комиссияси қошида махсус штаб

тузилди. Штаб Тошкент шаҳар Па-радлар хибони, 5-уйда жойлаш-ган, телефонлар 39-81-76, 39-84-52, 39-82-88.

Штаб кечаю кундуз ишламоқда.

1988 йил 10 декабрь

Шингил ҳикоялар

Қизил дарахт

Тонгга яқин туш қўрибман. Оқ булутлар устида, осмон-фалакда енгил учиб бораётган эмишман. Опа-Ери миз ўртасида бир қизил дарахт ўсиб турганмиш. У шунақа гузал эмишми, чиройига хос чиройли таъриф тополмай гаранг эмишман. Қизил дарахтда булбуллар, қумирлар, сазвалар, тўтилар, қўйинчи ҳар турли қўшлар хонишу нидо қилиб яйрашаётган эмишлар.

— Во, ажабо! — деб юбордим ҳаяжонда. — Бир дарахтда ҳар хил қўшлар жам бўлиши мунчалар яхши!

...Оқ булутлар мени қанотида учириб бораркан, қизил дарахтдан узоқлашаётганимга юрагим озиқиб уйғониб кетдим, кейин уфқдаги чарқоқ юлдузга қараб ётиб ўйладим: тушимда қўриган дарахт — қизил ҳарита раман она-Ватаним, унда ҳар хил пок қўшлар жам бўлиши — она-Ватанимдаги миллатлар!

Қалбим тубидан шундай бир нидо келди: — Қизил ҳаритали она-Ватан омон бўлсин, турли миллатлар бир тан, бир жон бўлсин!

Одил одам

Онламир катта эди. Уйимизда йўқчилик ҳам, тўқчилик ҳам, шўхлик ҳам бўлар, иш-юмушлар, ташвиш-қувончлар ҳам ётиб ортарди. Ўн беш фарзанди камолга етказиш, уларни уйли-жойли қилиш, едириш, кийинтириш, ғам-азобини чекиш осон бўлмади.

Отамиз одил одам эди. Қайси фарзанди жанжал қилса, тажарубаси тўғри, шўхлиги авжга чиқарса яхши гап билан насихат қилар, бирор нарсадан ўқиб йўғласа бошини силаб эркаларди. Бордию, бирортаси ўзини билмас даражада жазаваси тутиб, ҳақдидан ошиб кетса, энди отамиз уни ямаса эди:

— Насихатга юрмадинг, сийлаганин билмадинг, ма-на бўлмас! — деб ахшиллаб тасакни тушурарди, яна бунга ўзи ачиниш, тасалли топиш учун қироят билан ма-жол ўқирди:

— Яхши бўлсанг ош ёйсан,
Емон бўлсанг тош ёйсан!
Отамиз одил одам эди.

Ким доно?

Бир даврада аҳли фозиллар донишмандларни таъриф-таъсиф этишарди. Уч-тўрт киши бир гапдон одамни маътаб:

— Унинг тенги йўқ, сўзни жуда қўйилмақом қилиб айтиди, — дейишди.

Бир доно кекса гапга қўшилди: — Одамнинг сўзамоллигига қараб баҳо бериб бўлмайди, — деди у. — Сўзга чечанлик бошқа, ақл-заковат бошқа... Сизларнинг таъиниш мента «Қиммат ва арзон тўтилар» ҳикоятини эслатди.

Даврадагилар сўради: — У қандай ҳикоят экан?

Бир киши тўти олмақчи бўлиб бозорга борибди, — дея ҳикоя қилди кекса. — Қўш сотаётган киши уч тўтини кўрсатиб, ҳар бирининг нархини айтибди. Харидор қўшдан сўради: «Мана бу икки тўтининг нархи арзон, нега учинчиси қиммат?». Қўшчи жавоб берибди: «Учинчи тўти шунинг учун қимматки, у биронинг таъини қайтариб айлантирди, ўзи янги гал айтиди...». Билингки бирорлардан ёлдам олган гапни айтиб юрадиган, лекин уни тушунмайдиган ва амал қилмайдиган одам арзон тўтига ўхшайди, ногҳа қиммат қилинган, ичи пўк бўлади, сизлар таъриф этган одам ҳам шунақа, ногҳа одам...

Тўтиқин РАСУЛЕВ.

Ҳайтизмизнинг қайси бир жабҳаларига қараманг, унда химия фанининг самарасини кўриш мумкин. Ҳозирда қишлоқ ҳўжялиги, сартамолчи сановат, мадания ва умуман инсониятнинг ҳаёти жараёнини химиясиз тасаввур қилиш қийин. Химия фани кўнча замоналардан бери ривожланиб келаётган ва бошқа табиий фанлар билан муштарак ҳолда мўъжизавий янгиликлар яратиб бораётган соҳа ҳисобланади. Мазкур мақолада ноёб маънавлар билан боғлиқ қатналар келтирилади.

Тарихий тафсилотларга қараганда, Александр Македонский (эраимизга қадар IV ас) Осиё қитъасида қоллиб юриш қилиб, унинг лашкарлари Ҳиндистон ерларига етганида, аскарлар орасида оғир кўринишдаги ошқозон-ичак касалликлари тарқала бошлаган. Сержилла ҳамда бой ўлка бўлими Ҳиндистонни забт этиш ишларида талпиниб Александр Македонскийнинг тиникси қуриб, хасталик қўрқовига тушаётган лашкарлари 326 йилда орқага чекинишга мажбур бўлган эдилар.

Қудратли қўшиннинг чекинишига мажбур қилган нарсаси 2250 йилдан сўнггина ошкор бўлди. Маълум бўлишича (тарихий манбаларда қайд қилиб ўтилган), Александр Македонскийнинг оддий жангчилари саркардаларга нисбатан кўпроқ касалликка чалинганлар. Вақоланми, барча қўшин аъзолари бир хил шартроҳда бўлганлар. Антикланишчи, оддий аскарлар қалайли идишдан фойдаланган бўлса-

КУМУШ ВА ОЛТИН СИРЛАРИ

ашаддий бактерияларга қирон келтирар экан. Шу боисдан ҳам кумушли идишдан фойдаланган ҳарбийлар ошқозон-ичак касаллигига айтарли учрамаган эдилар.

Кумуш кўзага суя солиб қўйилганда бўлса, у узоқ вақт давомиде бузилмай, яхши сақланиш хусусиятига эга. Қадим замонларда миср аҳолиси кумушнинг шифобахшлиги билишган бўлса керак (эраимизга қадар 2500 йиллар), очик жараҳатларга қу-

муш зарини ёпиштириб, тед-биркорона деволар эдилар.

Ноёб металллардан бири бўлган олтиннинг шифобахшлиги жуда қадим замонлардан бери маълум бўлиб, замона боёнлари, нуфузли кишилар бисотидаги бир қатор рўзгор бўюмларнинг соф олтиндан бўлишига эътиборли бўлганликларининг боиси ҳам бор. Маълумотларга қараганда, олтин тажовузкор микро-

организмларга нисбатан қирон келтириш хусусиятига эга. Япониядаги «Фунабара» меҳмонхонасининг бир хонасига соф олтиндан ясалган ванна ўрнатилган. Сирасини айтганда, қимматбаҳо металлдан ясалган ванна ўз даврида меҳмонхона эгасига 90 миллион иенга (100 иен тахминан 4 сўм 69 тийинга тўғри келади) тушган эди. Дунё меҳмонхона олтин баҳоси ошган сари — ноёб бўюм эгасининг севинчи ичига симамай қолди.

Мамнон НАБИЕВ,
доршўнос.



ТАСС фотохроникаси.

Корректор дафтаридан

- Гўшт кабинети.
- Оила пудраси.
- Томсакхона.
- Ғарам полни.
- Шаҳарпалак.
- Пахса хирмончи.
- Жомли бурчак.
- Маза қорувули.
- «Жангар кема» капитани.
- Сўл даромад.
- Қўда-ранда.
- Мусобаба қайроғи.
- Чирин шәр.
- Махмуд ҲАЙДАРОВ.
- Жиннигул.
- Тарк-хисоблар.
- Зотли бўса.
- Оз неъмат.
- Исламининг кўзга суртай.
- Газетадаги китоб.
- Ёзуз дафтар.
- Булар.
- Асқарилар.
- Пибла миниб кетди.
- Ҳамма дарсим ичимда.
- Тўрт рангли алам.
- Телефон диригладди.
- Маҳфуза ЗАЙНИДИНОВА.



Барча янги объектлар аввало лойиҳадан бошланади. Шунинг учун ҳам лойиҳа ишларига эътибор ва талаб қўйилмоқда. Бунинг «Узгирпроавтодор» лойиҳалаш институтининг пешқадам лойиҳачилари ҳам чуқур хис этмоқдалар.

Сиз ўшбу суратда ана шулардан бир группасини кўриб турибсиз. М. Раҳимов, С. Аб-рамов, Е. Кошелев, Э. Акра-петиянлар ҳар бир лойиҳа ўстида иккидий бош қотирадилар, ўзаро баҳслашиб ягона, қулай ечим топадилар.

М. Назаров фотоси.

«Шоҳнома»нинг 1000 йиллигига Фирдавсий-Айний талқинида

рус тилларида ёзган қатор рисола ва мақолалари матбуотда эълон қилинди. Бу жиҳатдан адибнинг «Ур-та Осиё ва Эроннинг адабий муносабатларида доир» (1934 йил, «Строим» жур-налининг махсус сони), «Фирдавсий ва унинг «Шоҳ-нома»си тўғрисида» («Барон адабиёт социалисти», 1934, № 8), «О Фирдоуси а его «Шахнаме» (Журнал «Ли-тературный Узбекистан»,

1935, № 1), «Фирдавсий ва унинг «Шоҳномаси» тўғ-рисида» («Совет адабиёти», 1935, № 1) каби илмий-танқидий мақолалари, ай-ниқса характерлидир. 1940 йилда тожик тили-да нашр этирилган «Фир-давсий ва унинг «Шоҳнома»-си тўғрисидаги салмоқли

таъкидлаб, ёзди: «Манба-ларнинг кўрсатишларига, Фирдавсий ўз замонаси-нинг буюк донишмандлари-дан бўлган, арабча, паҳла-вийча ва форсча (форсий-жадий)ни яхши билган сий-модир. Фирдавсийнинг «Ҳа-ким» (доктор) лақабларини ҳам замонасининг буюк

рисоласи эса муҳим аҳамият-га эгадир.

Айний ўз тадқиқотларида, айниқса, шоирнинг яшаган тарихий давр ва унинг умр-боқий асари — «Шоҳнома» достонининг яратилиш та-рихи ҳамда достоннинг жа-ронушулу аҳамияти тўғ-рисида баҳс юритади. У Фир-давсийнинг тарих илмининг, тил ва адабиёт фанларини яхши билган аллома адиб-лигини зўр мамнуният билан

олим ва файласуфларидан бўлганлигини кўрсатади.

Садриддин Айний кўп йиллик тарихий воқеаларни ўзида қамраб олган «Шоҳ-нома»нинг асл гоёйи мо-ҳиятини аниқлаб, меҳнаткаш халқнинг зулм ва зўрлик-ка қарши қарамонона ку-рашини, «Шоҳнома»дек буюк асарнинг Х аср ҳужумдори Султон Маҳмуд Ғазнавийга ёзмаганлиги сабабларини ҳам ҳаққоний очиб беради.

Ёш оналарга маслаҳатлар

● Боланинг гўдаклигидек ҳар бир ҳатти-ҳаракатини куза-тиб, яхши томонларини рағбатлантириб бормоқ зарур. Аф-суски, гоҳида айрим оналар бунинг унутиб қўйишади. Фарзанда-га эътиборсизлик унга салбий таъсир этиши мумкин.


Тўрт яшар қизчагиз туҳмаларни махсус жойга жойлашти-ришда сизга ёрдам беришни истаб қолади. «Мумкин эмас, — дейсиз. — Сидирасан». Уни ҳафа қилмоқчи эмасиз. Лекин оддий туолган муомала қизчагизнинг шаштини қайтариши мум-кинлигини ҳам унутмаслик даркор.

● Еки болакейингиз туғилсини кийин тараддуудида урини-ди. «У обғинга эмас, бунисига кий», деб танбех берасиз. Бу гап болани довлдиратади, ўзига нисбатан бўлган ишончини йўқотеди. Кўп ҳолларда оддий туғли кишини ҳам сизнинг кўмагингизда бақаришга қўйиб қолади. Шунинг учун ўта босиқлик билан фарзандларга ўша ишни қандай қилса тўғри бўлишини кўрсатиш даркор. Бу гап унинг оқватланшида ҳам муҳим аҳамиятга эга. У қўшиқдаги оқватни беҳосдан тўқиб юборса еки қўйлагига теккисса, қўлидан қўшиқни силтаб тортиб олмаслик керак.

● Фарзандингиз икки ёшга қадам қўйганда гаёқча билан кум еки қорда чиқинчи ўргатинг. Чунки бу пайтда у қалам ушломлайди, лекин уйда қатталар бирор нима чиқазётганда диққат билан кузатади. Уч ёшга қараб кетганда эса, унга пластилин ёки ўшмоқ лой беринг, турли бўюмларни қўлда асашни ўргатинг.

Дам олиш соатида

Кроссворд-топишмоқ



Бўйига: 1. Грек алфавити. 2. Қазилма бойлик бор жой. 3. Ўзбек миллий кийими. 7. Машҳур немис физиги. 8. Қирғизистон ССРдаги шаҳар. 9. Қуш қароғроғи. 10. Қадимий ёдгорлик ишооти. 11. От боласи. 12. Қардош Қозғистон ССР сатирин журнали номи. 13. Цирк санъати тури. 19. Бугудой махсусоти. 21. Совет Арабиски белгиси. 22. Пахтадан олинадиган хом ашё хили. 23. Адабий-бадиий жанр. 24. Ҳашерот. 28. Украин адаби, «Тог ораллиқлари» романи автори. Энига: 2. Дунёда энг катта сут эмизучи жонивор. 4. Япон шаҳаски. 5. Санок сон. 6. Ўзёзоли таом. 10. Тожикистондаги пахтакор район. 12. Америка қитъасидаги тоғ. 14. Планета. 15. Ранг. 16. Ўлчов бирлиги. 17. Чорва ҳайвони. 18. Музика оҳанги. 20. Юз йил. 23. Оила аъзоси. 25. Шарқ музика чоғу асоби. 26. Музика термини. 27. Ўғил болалар исми. Энди кроссворднинг тўғри ечган бўлсангиз, квадрат йўналишида каттада ёзилган ҳарфлар ёрдамида ўзбек адабиётида яратилган роман номи келиб чиқади. Уни қайси ёзувчи ёзган? Иккинчи топшириқ шуки, шакл ўртасидаги бошқотирмада қайси рус совет ёзувчисининг асари номи яширилган? Ўзбек адабиётида қайси ёзувчиларнинг асарлари шу асар номи билан бошланади?

Тузучи: Инобат МИРЗАЕВА.

Бувижон, ўқиб беринг

Дастёр

Бобо мункиб кетади
Кўтаромай челаки.
Момо югуриб чиқар
Ушлаганча закини.
«Вой, тинмаган юлм-а,
Яна нима қиласиз!»
Суви тўла челаки
Кўтароқчи бўласиз!»
Бобо бошини кўтариб,
Гапирмиша шайланди:
«Лой қормоқчи эдим-да,
Бошини бироз айланди». Момо олиб қўлтиқдан,
Айонга қайтарарди,
Бобо саксондан ошиб
Ғайратни қайталади.
Утиролмай жойида,
Бир иш бўлса эрманка.
Момо кўзи қиймайди
Бирор ишни берманка.
Ғайрат бор-у, куч йўқ-да,
Алам қилар бобога,
Хаёлга шўнғиб кетар,
Тиккилганча савога:
«Ешлигим, кучим қани!
Қоплаб юк кўтарганим...
Тикка тоғлардан ошиб
Дарёдан ўтолганим!
Канал қазиб, ГЭС қуриш...
Қатнашганим бариде.
Эзгу ишдан қочмадим
Уша кучим бориде.
Етим қолиб, зор йўглаб
Юртдан норасида
Фашистан ўч олганман

Ўт-олов орасида.
Ҳар беш йиллик планда
Озми-қўлми ҳиссам бор.
Болаларга гурур-ла
Айтадиган ҳиссам бор.
Кексайдимми саксонда,
Бир оз кўчдан қолдим-а.
Ҳатто битта челаки
Қўлга зўрга олдим-а.
Эшик секин тикилаб,
Киндир кириб келади.
Бобо тўриб, қовлади.
Бир болани кўради:
— Салнамисан!
— Мадазим,
Келдим Сизни кўргани.
Жасорат клубидан...
Сизга ёрдам бергани.
— Бўлди, сени танидим,
Қўзим бироз хирарок.
Бувикиг савса ёлтиги,
Қани, ўтир берирок.
— Раҳмат бобо, аввал иш.
Савса ейиш қочмайди.
Боло билиб қилар иш.
Ишдан сира кечмайди.
Сувоқ борми, сув ташини,
Уй тозалаш, магазин...
Раҳмат олар ҳар кунин
Кексалардан Мадазим.
«Бахтли бўл, бахтларингиз
Мангу тинч замон бўлсин!
Сизни меҳрибон қилган
Замонам омон бўлсин!».
Олим МАҲКАМ.

Янги йил

СОВҒАСИ



Инсон учун энг бебаҳо умр десак, унинг ҳар бир лаҳзаси, ҳақиқати, ҳар бир соати вақт ҳисоби билан ўлчанади. Қўн, ҳафта ва йил ойларини календарь белгилаб боради. Шу жиҳатдан оламда инимиз де-вориде календарининг осилгиқ турли айтиш мўддао бўлади. Ўзбекистон Журналистлар союзи правленисининг нашриёт бўлими таъйинлаган «Ўз-бекча календарь, 1989 йил» осма календарни чоп этилиб, харидга чиқарилди.

— Мазкур календарининг устим муқовасида Тошкент-миздаги замонавий бинолар, тарихий обидалар, қўриқли, сановат, қишлоқ ҳўжялиги ва яшил олам акс этган. Одатда-гидек, календарь «Интерна-ционал», Ватанимиз ва рес-публикамиз гимнлари билан бошланган. — дейди нашриёт бўлимининг мудири Абду-смад Обиджўраев. — Календар-да ҳар бир куннинг ўзига хос материаллари берилган, уларда байрамлар, янги-аънавлар, атоқли кишилар ҳаёти, ишчи ва зинилларнинг меҳнат муваффақиятлари, қай-та турли, ошқоралик ва демо-кратиянинг самаралари, совет фани ва техникаси янгилик-лари ҳақида ҳикоя қилинади. Доҳиймиз В. И. Ленин ҳаёти-га доир маълумотлар, КПСС Марказий Комитетининг кейин-ги Пленумлари қарорларидан келиб чиқиб бақаририлган иш-лар, атроф-муҳитни муҳофа-за қилиш билан боғлиқ қўй-гина материаллар берилган.

Календарда адабиёт ва санъат намоёндаларининг юби-лейлари, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Қардош халқлар-нинг атоқли кишилари, мия-латларнинг дўст-биродарли-ги, меҳнат қарамонларининг жасоратлари мароқли ҳикоя қилинган. Календарда дўст-лики, савоматлики, яхшилик, бахт-саодат мавзуларида шеър-лар, ҳикматлар, ҳикоялар, қизқарли воқеалар, ўй-рўзгор бақалари учун фойдални мас-лаҳатлар берилиши янги мўд-дао бўлган. Булардан ташқа-ри, календарь ўқувчиларни олам ақойиботлари, латифа-лар, ҳикоятлар, ҳандалар ва турли мазмундаги шингил ма-қолаларини ўқиб заъқ олади-лар.

«Ўзбекча календарь» ярим миллион нусхада чоп этилиб, шу кунларда газета-журнал киоскалари ва китоб магазин-ларида сотилмоқда.

Тўлиқ АШРАФХОНОВ.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Байрамолди совғаларини излаб...

Янги йилни бунча яхши кўрмасак? Бунинг сирини нимада? Ям-яшил арча-нинг сақинсимон ҳиди учунми? Ёки бўлмаса болалар чехрасида балқиб турган бахт-ифодаси учунми? Яқин таниш-билишлар, қариндошларга эсда қоладиган совға тайёрлаш ташвишлари учунми? Янги мақсадлар, қутлуғ айём кунларида назаримизда албатта юз бериши лозимга ўхшаган ёқимли, бахтиёр онларни кутиш учунми?

Хуллас, кичкинтойларимизнинг ёс-тиқлари тағида сеvimли Қорбоболари томонидан қўйиб кетиладиган янги йил совғалари туфайли фарзандларимиз кутатган ҳаёжонли, мўъжизавий лаҳзаларга беихтиёр биз, катта ёшдагилар ҳам интиқ бўламиз.

Янги йил арафасида ота-оналарни, буви-буважоларни фарзандлари ва нева-чевараларига муносиб совғаларини харид қилишлари учун «Бола-

лар дунёси» чакана савдо фирмаси магазинларига таклиф қиламиз. Сизлар бу ердан жажжи болажонларингизга атаб тайёрланган юмшоқ ўйинчоқлардан: кўё, ўрдак, айик, арслон, тигриш, мушук, тулки ва отларни; пластмассадан ясалган: баллиқ, автомат, қўғирчоқ, қурбақа, машина, гармон, флейта, челақларни; резинадан тайёрланган турли-туман копточлар ва ёввойи ҳайвонларни, қўғирчоқлар, велосипедлар, самокатлар ва «Корт» машиналарини сотиб олишларингиз мумкин.

«Болалар дунёси» чакана-савдо фирмаси магазинларида арча ва хилма-хил арча ўйинчоқлари кенг ассортиментда савдога чиқарилган.

Янги йил байрамларига атаб трикотаж ва тикувчилик буюмлари, замонавий пойабзаллар ҳам харидорлар эътиборига ҳавола қилинади.



«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»
ЧАКАНА САВДО ФИР-
МАСИ.

Магазинларнинг адреслари:

Бош магазин—Октябрь бозори.

1-филиал — Марказ-1, 4-уй;

2-филиал — Марказ-2, 5-уй;

3-филиал — Луначарский шоссе, 77-уй;

4-филиал — Фарҳод ярмаркаси;

5-филиал — Сергели ярмаркаси;

6-филиал — Большевик кўчаси, 6 «а» уй;

7-филиал — Пионер кўчаси, 40-уй;

8-филиал — Фарҳод ярмаркаси;

9-филиал — Юнусовод массиви, Аҳмад Дониш

кўчаси, 9-уй;

10-филиал — Лисунов

кўчаси 2-уй.

Мода кўзгусида—«Мода»

Эҳ, мода, мода! Ҳар биримиз мода интиқидларидан озмуна азият чекамизми? Ҳа, мода ҳақсизона табииати билан у ҳақиқатда ўзига нисбатан муттасил диққат-эътиборда бўлишимизни талаб қилади. Кўйлакнинг узунлиги, шимнинг кенглиги қандай бўлиши керак, кийимлардаги қайси ранг энг оммабоп бўлади? Барча ёшдаги аёллар ҳаёлини ҳар йили янги маъмулда ана шундай саволлар қамраб олади.

Бир машҳур модельер ҳақда равишда «Мода ёши-гдаёқ ҳазон бўлади» деб айтган эди. Ҳақиқатан ҳам эндигина туғилган янги мода ҳали бизларни янги силуетлар, узунликлар, ранглар гаммаси билан қувонтириб улгурмасдан ҳам янги илғор ечимларни излашга тушиб кетади, биз эса ўзининг саховатли ҳаёлини қабул этсак, бас.

«МОДА» МАГАЗИНИ НИМАЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ?

Энг аввало классик мода намуналарини — жумладан кўйлак-костюмлари, босиқ, симо, кулай хизмат пальтоларини, комплексларни, яъни беғим кийимларни кийиладиган либосларни. Қомат бўртириб кўрсатилади ёки бироқ сезилиб туради, елка чизиги салгина таъкидланади. Бу кийимнинг битта услуби.

Бошқаси-чи? Унис назоратли ва романтик услубга хос бўлиб, мода бу ўринда аёлларга воландар, кўш этаклар, бурма ҳошиялар, декольте ва бантларни тўхфа этади. Юбкаларнинг формаси ҳар қандай тасаввурдан холи, уларда ассиметрия ҳукмронлик қилади, бундан ташқари юбкаларни безовчи элементлар сафидан бантлар ҳам ўрин олган.

Газламаларни айтмайсизми? Ранг-баранг твид ва габардин, пахмоқ ва бахмал, тўрлар, ялғирч матола қўши олади. Ва инҳон ранг ҳақида ёки оғиз сўз. Бу мавсумда яна қандай шунингдек, тўқ кўй, оппоқ, албон ранглар етакчилик қилади. Нафис, илқ пастель тусдаги ранглар инкинчи гуруҳга мансубдир. Катта-катан газламалар ҳамон мода эътиборидан четда қолган эмас.

ШОТА РУСТАВЕЛИ КЎЧАСИДАГИ 20-УЙДА ЖОЙЛАШГАН «МОДА» МАГАЗИНИДА МОДЕЛЬЕР-РАССОМЛАРИНИНГ ЭНГ ҚИЗҚАРЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ИШЛАНМАЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.

БУ ЕРДА ЁШЛАРГА АТАЛГАН МОДЕЛЛАРИНИНГ КЕНГ КЎЛАМИ ХАРИДОРЛАРГА ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ.

Сизларга тўғрида жойлашиб турувчи зангори рангли парчадан тикилган кўйлақлар,

каттак-катан жун газламадан тикилган юбкалар, сидирга ва каттак-катан газламадан тикилган костюмлар, қизил ва оч-жигарранг кримпландан тикилган костюмлар;

Велюр, гудлор шифон, крепдешиндан тикилган ҳашамдор кўйлақлар диққатингизни тоғтади.

ТРИКОТАЖ буюмларини ёқтирайдиганлар сонин тобора кўпаймоқда.

Кўйидаги моделлар уларга аталган: Аёлларнинг гудлор трикотаждан тикилган костюмлари, кўйлақлари, оч ранг билан жигарранг аралаш курткалар, оч ранг билан ҳаворанг аралаш жемперлар.

Аёлларнинг таъкидланган, чиройли оёқ кийимсиз ҳар қандай башанг либос ҳам хира кўринади. Янги йил кечасидаги байрам либоси ҳам бундан мустасно эмас.

Танланг, қай бири маъқул? Кумушранг ип билан беазалган ҳар хил рангли босонжолар, баланд пошнали туфлилар — АЁЛЛАР УЧУН;

ЭРКАКЛАРГА эса полуботинкалар, кроссовкалар манзур бўлади. «Мода» магазини соат 11 дан 20.00 гача ишлайди. Танаффус 15 дан 16 гача, дам олиш кўни яқшанба.

Телефонлар: 55-47-15, 55-89-52.

ПУМ.

«Союзторгреблама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЯТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Тошкент ресторанлар трестининг

«Россия» ресторани

қуйидагиларга олдиндан буюртмалар бериш учун

Сизларни таклиф қилади

— 25, 26, 27, 28, 29, 30 декабрда онлави ва коллестив Янги йил олди кечалари ўтказиш;
— 31 декабр соат 23.00 дан эрталабки соат 05 гача ресторанида ўтказиш 1989 Янги йил байрамини кутиб олишда иштирок этиш.

Билетлар 1988 йил 5 декабрдан бошлаб сотилмоқда; — 1989 йилнинг 1 январидан соат 12 дан 17.00 гача онлави дастурхонга хизмат кўрсатиш.

Буюртмалар қуйидаги адресда ҳар кун соат 9 дан 18 гача қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Сапёрний майдони, 2-уй.

«Юбилей» спорт саройида

12 декабрдан 19 декабрга

«ПРАЗДНИК» КООПЕРАТИВ ФИРМАСИ

«ЛАСКОВИЙ МАЙ» шоу-группаси, «МАГНИТ» рок-группаси, шунингдек композитор ва қўшиқчи Виктор Березинский, машҳур хонанда, «ВЕСЕЛИЕ РЕБЯТА» группасининг солисти Анатолий АЛЕШИН иштирокида

КОНЦЕРТ ТОМОШАЛАРИНИ УТКАЗАДИ

ПРОГРАММАНИ Марказий телевидение диктори Татьяна СУДЕЦ олиб боради.

Концерт соат 17 ва 20.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида ва вакил қилинганлар томонидан сотилади.

Справкалар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 46-03-12, 46-07-53.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қорнёкубов номидаги ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИДА

12, 13 декабрь соат 19.30 да

Ўзбекистон ССР халқ артисти

КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ,

Ўзбекистон ССР халқ артисти

ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА.

концерти

Программани артист ўткир СИДИҚОВ олиб боради.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

Тошкент Давлат циркида

1988 йил 24 декабрдан 1989 йил 10 январгача — мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ

ЦИРКДА АРЧА

БАЙРАМИНИ УТКАЗАДИЛАР

Бош ролларда: ҚОРБОВО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК ҲАҲРАМОНЛАРИ.

ТОМОШАЛАР:

24 ДЕКАБРДАН 30 ДЕКАБРГАЧА — соат 10.00, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30 да;
31 ДЕКАБРДА — соат 10.00, 12.00, 14.30, 17.00 да;

1989 йил 1 январдан 10 январгача — соат 17.00, 19.30 да бошланади.

Билетлар цирк кассаларида, соат 10.00 дан 20.00 гача сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БУЛИВ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинлардан буюртмалар навбатсиз қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙўЛЛАШ МАРКАЗИ

Ишга таклиф қилади

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус курилиш ишлари министрлигининг

93-ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ ТОШКЕНТ «ЭНЕРГОМОНТАЖ» МОНТАЖ БОШ. ҚАРМАСИГА:

— технология асбоб-ускуналар ва қозон курилмаларини монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчилар, 3, 4, 5 ва 6 разрядли электр-газ пайвандчилар

КЕРАК

Ишга Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган ва навбатга туриш тартиби билан 3-5 йил мобайнида квартира олиш ни хоҳлаган кишилар қабул қилинади.

Бир неча касб эгаллашни хоҳловчи кишилар марказий ўқув-комбинатларига бориб ўқишлари мумкин.

Ўқиниш кетидан барча харажатларини бошқарманинг ўзи тўлайди.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космонавтар проспекти, 6-уй.

Обуначилар диққатига

1989 йил 1 январдан бошлаб

15, 25, 45, 47, 60, 73, 74, 76, 80, 94, 146, 147, 167,

198-алоқа бўлимлари томонидан

«ОГОНЕК», «ДРУЖБА НАРОДОВ» ЖУРНАЛЛАРИГА АДАБИЙ ИЛОВАЛАР МАРКАЗЛАШГАН ТАРЗДА ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА БЕРИЛАДИ: Тошкент шаҳри, 61-алоқа бўлими, Пролетар кўчаси, 24-уй. Иш вақти — дам олиш кунисиз, соат 8 дан 20.00 гача, танаффус — соат 13 дан 14.00 гача.

Ҳамама саволларга эса — 55-15-93, 55-02-85 телефонлари орқали Сергели алоқа узелига мурожаат қилинсин.

СЕРГЕЛИ АЛОҚА УЗЕЛИ.

ИНТЕРНАЦИОНАЛЧИ-ЖАНГИЛАРИНИНГ ВА ҲАЛОҚ БЎЛГАН ИНТЕРНАЦИОНАЛЧИ-ЖАНГИЛАРИНИНГ ОИЛАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ СОЦИАЛ-ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

Маълум қилади

Афғонистон Республикасида ўз интернационал бурчини ўташ пайтида ярадор, контузия, майиб ёки касал бўлиш оқибатида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларга, шунингдек Афғонистон Республикасида ўз интернационал бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ярадор, контузия, майиб бўлиш ёки касаллигини оқибатида вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига

1988 йил 1 июлдан бошлаб

ШАХСИЙ ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНГАН

Афғонистон Республикасида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва хотинларига пенсиялар улар 50 ёшга тулишлари билан тайин қилинади.

Интернационалчи-жангчи инвалидлар ва ҳалок бўлган ёки вафот этган интернационалчи-жангчиларнинг оила аъзоларининг ўз ҳужжатлари билан яшаш жойидаги район социал-таъминот бўлимларига ташриф буюришлари сўраймиз.

Нархини сиз белгилайсиз

«Ўзбекистон» фирмалари савдо бирлашмасининг магазинларида 17-18 декабр кунлари ўтказиладиган кимодои савдосида қуйидаги товарларнинг нархини ўзингиз белгилаб, фойдали харид қилишингиз мумкин.

МАГАЗИНЛАР АДРЕС-СИ:

1-магазин — тикувчилик буюмлари ва газламалар (Навоий кўчаси, 18-уй);

2-магазин — трикотаж ва атторлик буюмлари (Охунбобоев майдони, Чорсу);

4-магазин — Махсидўзлик кўчасида жойлашган бўлиб, бу ерда Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарининг маҳсулотлари савдога қўйилган.



«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШ-МАСИ.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ИШЛАВ ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИЯ КОМПЛЕКТАЦИЯСИ ВА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ ВА

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ишлаб чиқариш-технология комплектацияси ва таъминот бошқармасининг Марказий иختисослашган комплектация ва моддий-техника таъминоти базиси

ТУГАТИЛАДИ

Даволат эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 16 «а» уй. Телефонлар: 45-48-44, 45-48-51.

Тошкент шаҳри, Жануби-ғарб саноат зонаси. Телефонлар: 76-67-48, 76-67-40. ЦСБН ва МТС.

Аҳоли диққатига!

«ТАШКЕНТВИНО» КОМБИНАТИГА ТУТАШГАН ТЕРРИТОРИЯДА

(Тошкент шаҳри, Қуйишкўча кўчаси, 45-уй).

Ҳамама райишкеторининг 4-мағазинига тегишли ИШИД ИДИШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНКТИ ОЧИЛДИ

Пункт қуйидаги ишда идишларини қабул қилади:

— 0,5 литрли бутилкалар (вино, пиво, минерал сув, лимонад, шарбат ва ичимликлардан бўшган шишалар);

— бурама қопқоқли коньяк, ароқ шишалари;

— 0,75 литрли бутилкалар (бурама қопқоқли), 0,7 литрли (вино идишлари).

Ишда идишлар чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Ишда идишлар қабул қилиш пункти ҳар кун, дам олиш кунисиз соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

1989 йил 1 январдан бошлаб

ТУГАТИЛАДИ

Даволат эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда жойлашган тугатилиш комиссияси томонидан қабул қилинади: Тошкент шаҳри, ГСП, Ҳамид Олимжон майдони, 11-«а» уй.

Шахсий компьютерлар

ишлаб чиқарувчи

«ВАРИАНТ»

СОВЕТ-ВОЛГАР

ХАМКОРЛИК

КОРХОНАСИ

ПК «Правен 8А» («ЭПИЛ»

аналог) базасида «ВОС»

хисоблаш-таъминот системаси

программалар таъминлаш

ни ишлаб чиқарувчи

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда иштирок этиш

ҳақидаги аризалар давлат

ташкilotлари, кооператив-

ларининг раҳбарлари ва ху-

сусий ишланмалар билан

шугулланувчилар томонидан

1988 йил 30 декабрда қуйи-

даги адресда қабул қилина-

ди: Тошкент шаҳри, Сер-

гели-3, Массон кўчаси, 3-уй.

Справкалар учун телефон:

57-14-96.

Конкурсни ўтказиш му-

ддати таъминан 1989 йилнинг

апрель-май ойларига мул-

жалланган.

ТОШКЕНТ ХИСОБЛАШ

ТЕХНИКАСИ РЕМОНТИ

ВА УНГА ТЕХНИКА

ХИЗМАТИ КўРСАТИШ

ТАЖРИБА ЗАВОДИ